



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шарҳи

2026 йил II чорак



Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳити ва бандлик билан боғлиқ тенденцияларни муқобил кўрсаткичлар орқали ўзида ифода этади.



Ушбу шарҳ 2026 йилнинг II чорагида мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиш мақсадида 2026 йилнинг июль ойида ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда мамлакатнинг барча ҳудудлари тўлиқ қамраб олинган бўлиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда тадбиркорлик фаолияти йўналишларини кенгроқ қамраб олиш ва репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик муҳитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташиш кўрсаткичлари, соҳаларда ишчи кучига бўлган талаб, бандлик даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутилмаларни аниқлашга қаратилган саволлардан ташкил топган.

Ҳар бир савол учун бир нечта жавоб вариантлари тақдим этилган бўлиб, иштирокчилар бир вақтнинг ўзида улардан бир ёки бир нечтасини танлаш имкониятига эга бўлди. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаган респондентлар сонини умумий жавоблар сонига нисбатан ҳисоблаш ҳамда алоҳида гуруҳлар бўйича вазнли коэффициентларини қўллаш орқали умумлаштирилди. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланди.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги иқтисодий шароитларни қиёсий баҳолаш ва улардаги ўзгариш тенденцияларини сифат жиҳатидан ўрганиш имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик муҳити

2026 йилнинг II чораги якунлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш натижалари республикада бизнес юритиш муҳитида ижобий тенденциялар давом этаётганини кўрсатмоқда. Сўровномада иштирок этган тадбиркорларнинг* 64 фоизи бизнес шароитлари нисбатан яхшиланганини (*ўтган йилнинг мос даврида 61 фоиз*) таъкидлаган. Мазкур кўрсаткич сўнгги икки йил давомида ўртача 50 фоиздан юқори даражада сақланиб келмоқда ва бу тадбиркорлар ишончининг барқарорлигидан далолат беради.

Респондентлар бизнес муҳитидаги ижобий ўзгаришларни, аввало, банк хизматлари сифати ва рақобат муҳити яхшилангани, лицензия олиш жараёнлари соддалашгани ҳамда йўллар инфратузилмаси бироз яхшилангани билан изоҳлашган. Шу билан бирга, монополлашув даражаси, маъмурий аралашувлар, энергия таъминоти ва божхона тарифлари бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмагани қайд этилган.

Иқтисодий фаоллик

Мазкур чорақда ёнилғи сарфи ва юк ташиш ҳажмлари, ишлаб чиқариш ҳамда буюртма ҳажмлари ошганини таъкидлаган тадбиркорлар улуши юқори сақланиб қолди. Хусусан, буюртмалар кўпайганини билдирганлар улуши 56 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Навоий ва Хоразм вилоятларида нисбатан юқори даражада қайд этилди. Мазкур ижобий динамикага қурилиш, туризм, умумий овқатланиш, ҳунармандчилик ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари асосий ҳисса қўшди.

Нисбатан юқори қувватларда фаолият олиб бораётган корхоналар улуши ўтган йилнинг мос давридаги 50 фоиздан 58 фоизгача ошди. Бунда, Фарғона, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми юқори қувватларда фаолият юритаётган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида ушбу кўрсаткич нисбатан пастроқ шаклланди. Тадбиркорлар томонидан энергия таъминотидаги узилишлар, ички талабнинг етарли эмаслиги, автомобиллар учун ёнилғи нархларининг қимматлашиши ҳамда етказиб беришдаги узилишлар тўлиқ қувватда фаолият юритмаслигининг асосий сабаблари сифатида қайд этилди.

* Сўровда жами 2 391 нафар тадбиркор иштирок этди.

Бандлик

2026 йилнинг II чораги давомида меҳнат бозорида фаоллик барқарор даражада сақланиб, аксарият корхоналарда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ортгани қайд этилди. Жумладан, II чорақда ишчи кучига талаби ошганини билдирган тадбиркорлик субъектлари улуши 48 фоизга етди.

Келгуси чорақларда Хоразм, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида қўшимча ишчи кучига талабнинг юқори даражада ортиши ва бу кўрсаткич ишлаб чиқариш, қурилиш, туризм ҳамда молия соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан юқори шаклланиши кутилмоқда.

Молиявий ҳолат

Тадбиркорлар орасида сўнгги уч ой давомида қарз мажбуриятлари ошганини билдирган тадбиркорлар улуши 42 фоизни ташкил этди. Шунингдек, қўшимча кредитларга бўлган талаб борасидаги кутилмаларда ўсувчи тенденциялар сақланиб қолмоқда *(респондентларнинг 45 фоизи келгусида қарз мажбуриятлари ошишини кутишмоқда)*.

Навоий, Қашқадарё, Андижон ва Жиззах вилоятларида келгуси чорақда кредит ресурсларига эҳтиёж сезиларли ошиши кутилаётган бўлса, Фарғона, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятларида эҳтиёж пасайиши ёки ўзгаришсиз қолиши кутилмоқда. Бунда, қурилиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар томонидан келгусида кредит маблағларига нисбатан юқори эҳтиёж мавжудлиги билдирилди.

Истиқболлар

Ўрта муддатли истиқболда тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига бўлган ишончи ижобий сақланиб қолмоқда. 2025-йилнинг дастлабки чорагидан буён ижобийлик даражаси сезиларли яхшиланиб, 2026 йилнинг II чорагида сўровда иштирок этган бизнес субъектларининг 82 фоизи *(2025 йил II чорақда 66 фоиз)* келгуси даврда макроиқтисодий шароитлар яхшиланишига ишонч билдирган.



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

2026 йилнинг II чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида респондентларнинг 53 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганлигини қайд этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бироз ошди. Қурилиш, ташиш, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларида бизнес муҳити сезиларли яхшиланган.

Сўровларда иштирок этган тадбиркорлар томонидан банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари, рақобат муҳити ҳамда лицензия олиш йўналишларида ижобий ўзгаришлар кузатилганлиги таъкидланди. Бу омиллар бизнес юритиш шароитларини баҳолашда нисбатан муҳим қўллаб-қувватловчи омиллар сифатида қайд этилди.


Шу билан бирга, солиқ маъмурчилиги, йўллар инфратузилмаси, газ ва электр таъминоти ҳамда монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганлиги билдирилди. Мазкур йўналишларда тадбиркорларнинг баҳолари нисбатан пастроқ шаклланганлиги қайд этилди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари бўйича буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганлигини билдирганлар улуши ўтган йилнинг II чорагига нисбатан мос равишда 4 ва 7 фоиз бандга кўпайди. Буюртмалар ҳажми асосан қурилиш, туризм, ҳунармандчилик ва савдо тармоқларида кўпайди.


Меҳнат бозорида ҳам фаоллик сақланиб қолди. Қўшимча ишчи кучига талаб ошганлигини билдирган тадбиркорлар улуши ўтган йилга нисбатан бироз юқорилади. Буюртмалар ҳажми ошганлиги билдирилган соҳаларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳам юқори шаклланган.

Кредит тўловлари ошганлигини билдирган респондентлар улуши ўтган йил даражасида ўзгаришсиз қолди. Шунга қарамай, қурилиш, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва молия соҳаларида қўшимча кредит ресурсларига талаб юқори даражада сақланиб қолди.


1-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



2-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



3-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

2026 йилнинг II чорагида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш сезиларли ошди. Юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши ўтган йилнинг мос давридаги 43 фоиздан 61 фоизга етди. Тиббиёт, ташиш ҳамда алоқа ва ахборот тармоқларидаги корхоналарнинг аксарият қисми юқори қувватларда фаолият юритмоқда.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаслик ҳолатлари сақланиб қолган корхоналар асосий чекловлар сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги, авто-ёнилғи нархи ўсиши ҳамда логистикадаги узилишларни қайд этишган. Ушбу омиллар ишлаб чиқариш жараёнларининг барқарорлигини чеклаган муҳим сабаблар сифатида баҳоланди.

Келгуси чорақда буюртмалар, ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда қўшимча ишчи кучига талаб ошиши бўйича кутилмалар бироз яхшиланди. Респондентларнинг 51 фоизи келгусида буюртмалар ҳажми ошишини кутмоқда. Ушбу ўсиш асосан қурилиш, ишлаб чиқариш, хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бўлиши кутилмоқда.


Меҳнат бозорида ҳам фаоллик сақланиб қолиши таъкидланди. Ушбу ҳолат корхоналарнинг келгуси даврда фаолият ҳажмини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ортаётганлигини кўрсатади.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч сезиларли ошди. Сўровномада иштирок этган тадбиркорларнинг 82 фоизда ижобий кутилмалар шаклланган бўлиб, бу ҳолат ҳудуддаги бизнес вакилларининг ўрта муддатли истиқболларга нисбатан ишончи мустаҳкамланганлигини ифодалайди.


4-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентлар улуши, фоизда



5-расм. Келгуси чорақ бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



6-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида респондентларнинг 69 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганини қайд этди. Ушбу кўрсаткич 2025-йил II чорагига нисбатан 8 фоиз бандга ошди. Хусусан, умумий овқатланиш, туризм, молия ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганлигини таъкидлаганлар улуши сезиларли даражада кўпайган.

Тадбиркорлар томонидан ижобий ўзгаришлар, аввало, банк хизматлари сифати ва кредит олиш имкониятларида кузатилганлиги таъкидланди. Шунингдек, лицензия олиш ҳамда рақобат муҳити бўйича шарт-шароитлар яхшиланганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, маъмурий аралашувлар, газ ва электр таъминоти, божхона тарифлари ҳамда монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганлиги билдирилди.


Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар қайд этилди. Айниқса, ёнилғи ва энергия истеъмоли ошганини билдирган субъектлар улуши ўтган йилга нисбатан 7 фоиз бандга кўпайди. Бунда, қурилиш, тиббиёт, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида энергия истеъмолининг сезиларли даражада кўпайиши қайд этилди.

Буюртмалар ҳажми кўпайганини билдирган респондентлар улуши ҳам ўтган йилга нисбатан 11 фоиз бандга юқорилаб 64 фоизни ташкил этди. Тиббиёт, туризм, молия ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг асосий қисми буюртмалар ошганлигини қайд этишди.


Юкларни ташиш ҳажми бўйича ҳам ижобий динамика қайд этилиб, ушбу кўрсаткич ошганлигини таъкидлаган бизнес субъектлари улуши 9 фоиз бандга кўпайди. Ушбу фаоллик, асосан, буюртма ҳажми ва ёнилғи истеъмоли ошган соҳаларда кузатилди.

Кредит тўловлари ошганини қайд этган тадбиркорлар улуши 5 фоиз бандга пасайди. Бу ҳолат молиявий мажбуриятлар юкининг нисбатан юмшаганлигини ёки қарз тўловлари бўйича босим кучаймаганлигини кўрсатди.


7-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



8-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



9-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси барқарор сақланди. Юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши 54 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига газ ва электрдан узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги, айланма маблағнинг камлиги ҳамда етказиб беришдаги узилишлар асосий чекловчи омиллар сифатида таъсир қилганлиги қайд этилди.

Келгуси чорақда барча иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари бўйича кутилмалар яхшиланди. Хусусан, буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажми ортишини билдирганлар улуши 60 фоиз атрофида шаклланиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 5 фоиз бандга юқори бўлди. Тиббиёт, савдо, молия ва қурилиш соҳаларида буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли ошиши кутилмоқда.

Қўшимча ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар ҳам ижобий томонга ўзгарди. Сўровнома натижаларига кўра, ҳудуддаги корхоналар келгуси даврда фаолият ҳажмининг кенгайиши ва буюртмалар фаоллашуви фонида меҳнат ресурсларига эҳтиёжи ортишини алоҳида таъкидладилар. Айниқса, молия, тиббиёт, таълим ва туризм тармоқларида қўшимча ишчи кучига талаб юқори бўлиши мумкин.


Кредит ресурсларига эҳтиёжнинг камайиши бўйича кутилмалар бироз кўпайди. Бу ҳолат айрим бизнес субъектларида мавжуд мажбуриятларни эҳтиёткорлик билан бошқариш, қарз юкини оширмасликка интилиш ва ички маблағлар ҳисобидан фаолиятни давом эттиришга мойиллик кучайганлиги билан изоҳланади.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирган тадбиркорлар улуши 84 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг II чорагига нисбатан сезиларли яхшиланди.


10-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентлар улуши, фоизда



11-расм. Келгуси чорақ бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



12-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида респондентларнинг 66 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганини билдирди. Ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг II чорагига нисбатан 4 фоиз бандга пасайди. Хусусан, хунармандчилик, таълим ва молия соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганлигини таъкидлаганлар улуши сезиларли даражада камайди.

Шунга қарамай, сўровларда иштирок этган бизнес субъектлари банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари, рақобат муҳити ҳамда лицензия олиш йўналишларидаги ҳолатни ижобий баҳоладилар.


Тадбиркорлар томонидан божхона тарифлари, маъмурий аралашувлар, газ ва электр таъминоти ҳамда монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганлиги қайд этилди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ҳам ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда сезиларли пасайишлар кузатилди. Хусусан, буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганини билдирган тадбиркорлар улуши ўтган йилга нисбатан бироз камайди. Бунда, тиббиёт, таълим, қишлоқ хўжалиги ва молия соҳалари вакилларининг асосий қисми буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгармаганлигини билдиришди.


Қўшимча ишчи кучига талаб ошганини билдирган тадбиркорлар улуши ҳам 14 фоиз бандга пасайди. Бу меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар нисбатан пастроқ шаклланганини ҳамда ишлаб чиқариш кенгайиши суст бўлган соҳаларда янги ишчи кучига талаб пасайганини кўрсатди.

Кредит тўловлари ошганини қайд этган респондентлар улуши ҳам 6 фоиз бандга камайди. Бу кўрсаткич ҳам бизнес субъектларининг фаолият кўламини кенгайтирмаганликларини ва мавжуд ресурслардан фойдаланишда давом этаётганликларини англатиши мумкин.


13-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



14-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



15-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари

Шунга қарамай, 2026 йилнинг II чорагида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бўйича фаоллик сезиларли ошди. Юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши 57 фоиздан 70 фоизга ошгани қайд этилди. Бу ҳолат Фарғона водийси ҳудудларида мавжуд қувватлардан фойдаланиш даражаси ўтган йилга нисбатан анча яхшиланганини кўрсатди. Молия, қурилиш, ташиш, таълим ва тиббиёт соҳаларидаги юқори қувватда фаолият юритувчи субъектлар улуши сезиларли кўпайган.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаслик ҳолатлари, асосан, талабнинг етарли эмаслиги, газ ва электр ҳамда логистикадаги узилишлар ва айланма маблағнинг камлиги билан изоҳланди. Ушбу омиллар корхоналар фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ йўлга қўйишга тўсқинлик қилгани таъкидланди.

Келгуси чорак бўйича кутилмаларда буюртмалар ҳажми ошишини кутаётган тадбиркорлар улуши аввалги йилга нисбатан пасайди. Мазкур кўрсаткич 54 фоизни ташкил этиб, 14 фоиз бандга паст шаклланди. Алоқа ва ахборот, таълим, молия ва ҳунармандчилик соҳаси вакилларининг асосий қисми келгусида буюртмалар ҳажми ўзгармаслигини кутмоқда.

Қўшимча ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар ҳам пасайгани кузатилди. Буюртмалар ҳажми ўзгаришсиз қолиши кутилаётган тармоқларда қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ҳам пастроқ шаклланиши респондентлар томонидан билдирилди.


Кредит ресурсларига қўшимча эҳтиёж бўйича кутилмалар ҳам пасайди. Кредит тўловлари билан боғлиқ баҳоларда пасайиш қайд этилгани бизнес субъектларининг молиявий мажбуриятлар ва ташқи молиялаштиришга эҳтиёжи юзасидан нисбатан эҳтиёткор позицияда қолганини ифодалаши мумкин.

Шу билан бирга, келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирган тадбиркорлар улуши 81 фоизни ташкил этди.


16-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



17-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



18-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида респондентларнинг 61 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганини қайд этди. Туризм, молия, қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганлигини билдирган респондентлар улуши сезиларли кўпайган.

Сўровномада иштирок этган тадбиркорлар томонидан кредит олиш имкониятлари, банк хизматлари сифати, рақобат муҳити ҳамда лицензия олиш жараёнлари яхшиланганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, солиқ маъмурчилиги, маъмурий аралашувлар, монополлашув даражаси ва божхона тарифлари бўйича сезиларли ўзгариш кузатилмаганлиги таъкидланди. Ушбу йўналишлар тадбиркорлар баҳосида бизнес муҳитига таъсир этувчи барқарор, бироқ сезиларли яхшиланишлар қайд этилмаган омиллар сифатида шаклланди.


Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларидан ёнилғи ва энергия истеъмоли ошганини таъкидлаган респондентлар улуши бироз кўпайди. Бунда, энергия сарфининг нисбатан юқори ўсиш суръатлари асосан маиший хизмат, умумий овқатланиш ҳамда тиббиёт тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Тадбиркорлик субъектларининг деярли ярми ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми ошганини қайд этишди. Бунда, асосан, молия, қурилиш, тиббиёт, умумий овқатланиш ва туризм тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайганлиги таъкидланди.


Меҳнат бозорида фаоллик ўтган йил даражасида сақланиб қолди. Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб ишлаб чиқариш ҳажмлари ошган тармоқларда нисбатан юқори шаклланди.

Кредит ресурсларига талаб эса нисбатан барқарорлашган бўлиб, маиший хизмат, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшимча кредит ресурсларига эҳтиёж сезилмаганлиги қайд этилди.


19-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



20-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



21-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш фаоллашганлиги қайд этилди. Юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши 48 фоиздан 58 фоизга ошиб, ўтган йилга нисбатан 10 фоиз бандга юқори шаклланди. Таълим, ҳунармандчилик, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаси вакилларининг аксарият қисми юқори қувватда фаолиятларини давом эттиришмоқда.


Тўлиқ қувватда ишлай олмаслик сабаблари сифатида тадбиркорлар газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги, логистикадаги муаммолар ҳамда айланма маблағнинг камлигини кўрсатдилар. Ушбу омиллар фаолият ҳажмини кенгайтириш имкониятларини чеклаган асосий ҳолатлар сифатида баҳоланди.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар деярли ўтган йил даражасида сақланиб қолди. Сўровнома натижаларига кўра, ёнилғи ва энергия истеъмоли бўйича ижобий кутилмалар 59 фоизни, буюртмалар ҳажми бўйича эса 52 фоизни ташкил этди. Таълим, қурилиш ҳамда алоқа ва ахборот соҳаларида энергия истеъмоли билан биргаликда буюртмалар ҳажми сезиларли ошиши кутилмоқда.


Қўшимча ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар биров пасайган бўлса-да, ижобий қолмоқда. Ишчи кучига талаб ҳам асосан юқорида қайд этилган соҳаларда кўпайиши билдирилди.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирган тадбиркорлар улуши 84 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли яхшиланди ва бизнес вакилларининг ўрта муддатли истиқболга нисбатан ишончи мустаҳкамланганлигини кўрсатди.


22-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



23-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



24-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах ва Сирдарё вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида респондентларнинг 66 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганлигини қайд этишди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг II чорагига нисбатан 4 фоиз бандга ошди. Хусусан, хунармандчилик, алоқа ва ахборот, туризм соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганлигини таъкидлаганлар улуши сезиларли даражада кўпайган.

Сўровнома натижаларига кўра, ҳудудларда ижобий ўзгаришлар асосан банк хизматлари сифати, кредит олиш имкониятлари, рақобат муҳити ва йўллар инфратузилмаси билан боғлиқ омилларда кузатилганлиги таъкидланди. Бу омиллар тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги шароитлар нисбатан қулайлашганлигини кўрсатади.


Шу билан бирга, тадбиркорлар томонидан солиқ маъмурчилиги, газ ва электр таъминоти, маъмурий аралашувлар ҳамда монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгариш кузатилмаганлиги қайд этилди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ҳам ижобий динамика кузатилди. Буюртмалар ҳажми, ёнилғи ва энергия истеъмоли ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганлигини билдирган респондентлар улуши 7-8 фоиз бандга юқори шаклланди.

Буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажми асосан қурилиш, туризм, молия ҳамда савдо соҳаларида ошганлиги респондентлар томонидан билдирилди. Ёнилғи ва энергия истеъмоли ошганлигини билдирган тадбиркорлик субъектларининг улуши эса савдо, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва умумий овқатланиш тармоқларида нисбатан юқори бўлди.

Қўшимча ишчи кучига талаб ошганлигини билдирган респондентлар улуши ҳам ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 11 фоиз бандга кўпайиб, 56 фоизга етди. Қўшимча ишчи кучига бўлган талаб, айниқса, таълим, туризм ва умумий овқатланиш соҳаларида юқори шаклланди.


25-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



26-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



27-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Жиззах ва Сирдарё вилоятлари

2026 йилнинг II чорагида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ишлаб чиқариш қувватларидан юқори даражада фойдаланган корхоналар улуши 49 фоизни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Шундай бўлса-да, молия, туризм, умумий овқатланиш, тиббиёт ва қурилиш соҳаси вакилларининг аксарият қисми юқори қувватда фаолият юритишган.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаган тадбиркорлик субъектлари асосий чекловлар сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар, талабнинг етарли эмаслиги, логистикадаги муаммолар ҳамда авто-ёнилғи нархи қимматлашганлигини қайд этдилар. Ушбу омилларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари барқарорлигига ва хизмат кўрсатиш узлуксизлигига таъсир кўрсатганлиги таъкидланди.

Келгуси чорак бўйича кутилмаларда буюртмалар ҳажми билан бир қаторда ишлаб чиқариш ҳажмлари, ёнилғи ва энергия истеъмоли ҳамда юкларни ташиш ҳажми ошишини кутаётган респондентлар улуши ўтган йилга нисбатан бироз кўпайди.

Ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми молия, қурилиш, туризм ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларида юқори ошиши кутилмоқда.


Қўшимча ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар ҳам ижобий қолмоқда. Корхоналар фаолиятининг кенгайиши, буюртмалар кўпайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши шароитида меҳнат ресурсларига эҳтиёж ортиши мумкинлигини билдирдилар. Хусусан, қурилиш, умумий овқатланиш ва туризм соҳаларида келгусида қўшимча ишчи кучига талаб юқори шаклланиши кутилмоқда.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч билдирган тадбиркорлар улуши 80 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 16 фоиз бандга ошиб, ўрта муддатли истиқболда ижобий кутилмалар шаклланганлигини кўрсатди.


28-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



29-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



30-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда





2026 йилнинг II чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида респондентларнинг 65 фоизи бизнес шарт-шароитлари яхшиланганлигини қайд этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг II чорагига нисбатан 9 фоиз бандга ошди. Хусусан, қурилиш, тиббиёт, молия ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида бизнес муҳити яхшиланганлигини билдирганлар улуши сезиларли даражада кўпайди.

Сўровномада қатнашган тadbиркорлар томонидан банк хизматлари сифати ва кредит олиш имкониятлари яхшиланганлиги таъкидланди. Шунингдек, рақобат муҳити ҳамда лицензия олиш бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилганлиги қайд этилди.


Шу билан бирга, маъмурий аралашувлар, солиқ маъмурчилиги, божхона тарифлари ва монополлашув даражаси бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаганлиги билдирилди.

Иқтисодий фаоллик кўрсаткичларидан ёнилғи ва энергия истеъмоли, буюртмалар ҳажми ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмлари ошганини билдирган респондентлар улуши ўтган йилга нисбатан мос равишда 6, 4 ва 7 фоиз бандга юқори шаклланди.


Буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари, асосан, қурилиш, умумий овқатланиш ҳамда ташиш хизмати соҳаларида ошди.

Меҳнат бозорида ҳам фаоллик сақланиб қолди. Қўшимча ишчи кучига талаб қурилиш, ташиш хизмати ва молия тармоқларида нисбатан юқори шаклланди.


31-расм. Соҳалар кесимида бизнес кайфияти ўзгариши, респондентлар улуши, фоизда



32-расм. Бизнес кайфиятига таъсир этган омиллар, респондентлар улуши, фоизда



33-расм. Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, респондентлар улуши, фоизда





Қорақалпоғистон Рес. ва Хоразм вилояти

2026 йилнинг II чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Юқори қувватда ишлаган корхоналар улуши 48 фоизни ташкил этиб, умумий овқатланиш, тиббиёт ва қурилиш соҳасидаги корхоналар нисбатан юқори қувватларда фаолиятини давом эттиришган.

Тўлиқ қувватда ишлай олмаётган тадбиркорлик субъектлари асосий чекловлар сифатида газ ва электр таъминотидаги ҳамда логистикадаги узилишлар, айланма маблағнинг камлиги ва авто-ёнилғи нархи қимматлашишини қайд этдилар.

Келгуси чорак бўйича кутилмаларда барча иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида ижобий ўзгариш кузатилди.


Хусусан, буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажми ортишини кутаётганлар улуши 56 фоиз атрофида шаклланди. Бунда, қурилиш, умумий овқатланиш ва молия соҳаларида юқори ўсиш қайд этилди.

Қўшимча ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кўпайди. Буюртмалар ҳажми ошиши кутилаётган тармоқларда қўшимча ишчи кучига талабнинг ҳам юқори бўлиши респондентлар томонидан билдирилди. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектларида фаолиятни кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи сақланиб қолганлигини кўрсатди.


Кредит тўловлари бўйича кутилмалар ҳам бироз ошганлиги қайд этилди. Бу бизнес субъектлари томонидан молиявий мажбуриятлар ва қўшимча молиялаштиришга эҳтиёж мавжудлигини англатувчи кайфият кучайганлигини билдириши мумкин.

Келгуси уч йилда мамлакат иқтисодиёти ва бизнес муҳити яхшиланишига ишонч сезиларли даражада ошди. Сўровномада қатнашган тадбиркорларнинг 81 фоизи истиқболдаги шароитлар ижобий томонга ўзгаришига ишонч билдирди.

34-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари, жами респондентларнинг улуши, фоизда



35-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда



36-расм. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар, респондентлар улуши, фоизда

